



## ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

*Азимова Феруза Пайзиевна*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,*

*Йўлдошева Мафтуна Бахтиёр қизи*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада республикамызда хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга оширишда мақсадли кўрсаткичларининг истиқболдаги молиялаштириш манбалари баён этилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция фаолияти, инвестиция сиёсати, маҳаллий ва хорижий инвестиция, фойда, инвестициявий фаоллик, молиялаштириш, капитал қўйилмалар.

## О РЕАЛИЗАЦИИ СТРАТЕГИИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ И МЕСТНЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В УЗБЕКИСТАН

*Азимова Феруза Пайзиевна*

*Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности,*

*Йўлдошева Мафтуна Бахтиёр қизи*

*Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности*

**Аннотация.** В данной статье описаны будущие источники финансирования целевых показателей при реализации стратегии привлечения иностранных и внутренних инвестиций в нашу республику.

**Ключевые слова:** инвестиционная деятельность, инвестиционная политика, внутренние и внешние инвестиции, прибыль, инвестиционная деятельность, финансирование, капитальные вложения.

## ON THE IMPLEMENTATION OF THE STRATEGY OF ATTRACTING FOREIGN AND LOCAL INVESTMENTS IN UZBEKISTAN

*Azimova Feruza Payzievna*

*Tashkent Textile and Light Industry Institute,*

*Yoldosheva Maftuna Bakhtiyar kizi*

*Tashkent Textile and Light Industry Institute*

**Abstract.** This article describes the future sources of financing of the target indicators in the implementation of the strategy of attracting foreign and domestic investments in our republic.

**Key words:** investment activity, investment policy, domestic and foreign investment, profit, investment activity, financing, capital investments.

### **Кириш.**

Ислоҳотлар мамлакатимизнинг инвестиция сиёсати миллий иқтисодиётида маълум таркибий ўзгаришлар юз беришига имконият берди, ўз навбатида бозор муносабатлари шаклланишига ижобий таъсир этди ва иқтисодий барқарорлик учун зарурий шарт-шароитларни юзага келтирди.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш бугунги куннинг долзарб масаласига айланганлигини президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаб ўтдилар (Фармон, 2022).

“2021-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегияси” да ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ва уларни амалга ошириш натижасида минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятини янада кенгайтириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида инвестицион самарадорликни баҳолаш каби вазифалар белгилаб берилган (Қарор, 2021).

Мамлакатимизда юз бераётган муҳим таркибий ўзгаришлар натижасида нафақат инвестицияларнинг ички манбаларига бўлган, балки бошқа манбаларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келмоқда. Шу боисдан, хорижий инвестицияларни юқори ҳажмда жалб этиш билан бирга, маҳаллий инвестициялаш имкониятларини оширишга имкон берувчи инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш муҳим бўлиб қолмоқда. 2026 йилгача хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш режалаштирилган.

Республика ҳудудлари ва хорижий мамлакатлар бизнес вакиллари ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, жумладан Сирдарё вилоятининг Хитой Халқ Республикаси, Сурхондарё вилоятининг Россия Федерацияси ҳамда Жиззах вилоятининг Ҳиндистон бизнес доиралари билан инвестиция ва ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш йўлга қўйилган.

Сурхондарё вилоятида «Инвесторларга кўмак маркази», Навоий вилоятида Навоий кон-металлургия комбинати томонидан «Бизнесга кўмаклашиш маркази» ва Тошкент шаҳрида «Илғор лойиҳалар ва инжиниринг маркази» ва ҳар бир туманда «Инновация ва технология марказлари» ташкил қилиб, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш зарурлиги тараққиёт стратегиясида кег ёритилган.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий шароитларида миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг зарурий шарт шароитларидан бири ривожланган молиявий воситачилик тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Чунки, молиявий воситачилар ссуда капиталининг самарали ҳаракатини таъминлашга, мамлакатдаги инвестициявий фаолликни оширишга хизмат қилади.

Республикамиз ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиёти барқарорлиги инвестиция сиёсати билан чамбарчас боғланган. Мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий фарқланишлар ва номувофиқларни камайтиришда ўзига хос ўринга эга.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Янги Ўзбекистонда қтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш, инвестиция фондларининг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдаги ўрнини кучайтириш, инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услугий асосларини такомиллаштириш, минтақаларнинг ҳудудий салоҳияти, тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари бўйича бир қанча илмий изланишлар олиб борилган.

Инвестициялар кенг қамровли тушунча бўлиб, турли объектларга, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштириш учун иқтисодий фойда ва ижтимоий самара олишни кўзлаб, мамлакат ичкарасида ёки бошқа хорижий давлатга тавакалчилик асосида давлат кафолатисиз киритиладиган узоқ муддатли капитал қўйилмалардир. Олиб борилган кўплаб тадқиқотларда инвестицияларга, хусусан уларнинг тўғридан-тўғри турларига турлича қарашлар асосида назарий аҳамияти очиб берилган.

Жумладан:

Инвестициялар-бу тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига қўйилаётган мулкӣ ва интеллектуал қимматликларнинг барча турлари бўлиб, бунинг натижасида фойда (даромад) яратилади ёки ижтимоий самарага эришилади. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунида инвестициялар иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига

киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар сифатида таърифланган (Қонун, 1998).

Эклунднинг фикрича “инвестициялар-бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир” деб таъриф берган (Зайналов, Алиева ва бошқалар, 2020).

Бланкнинг (2001) фикрича, замонавий адабиётларда инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини тавсифлашда бу тушунча баъзан хато ёки жуда тор маънода талқин қилинади. Улар томонидан тақдим қилинган барча далиллар билан келишмаслик мумкин эмас. Унинг фикрича, ўзига хос хато шундан иборатки, инвестициялар деганда капитал ўсимга ҳам, фойда олишга ҳам олиб келмаслиги мумкин бўлган ҳар қандай маблағ қўйилмалари тушунилади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Хайдаров (2011) “Инвестиция - бу инвестор (давлат, хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар)ларнинг ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини иқтисодий самара (тушум, даромад, фойда) олиш учун йўналтирилган қийматлар йиғиндисидир”. Ушбу иқтисодий таърифга қисқача изоҳ бериладиган бўлса, у қуйидагича мазмунга эга бўлади. Яъни, ҳар бир алоҳида мамлакатда амалга ошириладиган инвестицион сиёсат ижобий кўрсаткич ила қарор топса демак, у давлатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари юксалиш тенденциясига эга бўладди. Мабодо, инвестицион сиёсатда депсиниш намоён бўладиган бўлса, юқорида зикр этилган ҳолат билан намоён бўлиб, ялпи ички маҳсулот ўтган йилдаги кўрсаткичига қараганда пасайиш динамикасига эга бўлади.

Иқтисодчи олим Ғозибеков (1993) инвестицияларни даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар деб таърифлайди. Республикамиз олимларининг инвестиция соҳасида олиб борган илмий ишларида қулай инвестиция иқлимини барпо этиш ва унга таъсир этувчи омиллар маълум бир асосда гуруҳлаштирилган. Инвестицион муҳит тушунчаси кенг қамровли бўлиб, бу соҳада тадқиқотлар олиб борган олимлар турлича ёндошувларга таянганлар. Жумладан, инвестицион муҳит – бу маълум бир соҳага инвестицияларни жалб этишда шу соҳани ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларини қамраб олувчи тушунча ҳисобланади деб таърифлаганлар.

Профессор Каримов (2007) томонидан мамлакат ичкараси ва ташқарасида янги корхона яратиш ва ҳудудларда мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, энг янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш даражасини ошириш бўйича изланишлар олиб борилган.

И.ф.д. Мустафақуловнинг (2017) ишларида минтақалардаги табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатиши, бунда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми инвестицион салоҳият ва иқтисодий салоҳият кўламнинг юзага келишини таъминланиши юзасидан тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

Шунингдек, Мустафақулов (2017) томонидан инвестиция фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларда мазкур фаолиятни ривожлантириш бўйича инвестициялар жалб қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тақлифлар ишлаб чиқилган.

Алматова (2013) томонидан минтақаларда тадбиркорлик субъектларининг инвестицион-инновацион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари асослаб бериш ва уларни самарали ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мақолада Ўзбекистон Республикасига киритилаётган инвестициялар ҳажмини статистик гуруҳлаш, таҳлил қилиш, тизимли ёндашув, таққослаш, қиёсий таҳлил, мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий ва эркин фикрлаш, илмий мушоҳада қилиш, тизимли ёндашув усуллари билан кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Республикамиз инвестиция сиёсатида мамлакатимиз ҳудудларининг мутаносиб ривожланишини ва ҳудудий жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожланишига эришиш алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатнинг саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига юқори технологияларни кенг жорий этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш орқали ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, экспортни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, шунингдек, инвестицияларни тизимли режалаштириш ва инвестиция лойиҳаларини самарали бошқариш мақсадида президентимиз томонидан 2021 йил 30 декабрь, ПҚ-72-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида” ги қарори қабул қилинди (Қарор, 2021).

Қабул қилинган қарорга мувофиқ келгусида бажариладиган ишларни, яъни инвестиция дастури доирасида, инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янгича ёндашув ва механизмларини жорий этишни тақоза этади. Жумладан:

- Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан шакллантирилган, келгуси беш йилда 70 миллиард АҚШ доллари миқдориди хорижий инвестицияларни ўзлаштиришга мўлжалланган инвестиция дастурини қабул қилиш;

Бунда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни ўзлаштиришнинг йиғма мақсадли кўрсаткичларининг келгусидаги молиялаштириш манбалари кўрсатилган (1-жадвал).

1-жадвал

**2022-2026 йилларда марказлашган ва марказлашмаган  
инвестицияларнинг кўрсаткичлари**

| Т/р       | Молиялаштириш манбалари   | 2022- 2026<br>йилларда<br>жами<br>млрд.сўм | шундан:            |                    |                    |                    |                    |
|-----------|---|--|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|
|           |   |  | 2022<br>йил        | 2023<br>йил        | 2024<br>йил        | 2025<br>йил        | 2026<br>йил        |
|           | <b>Жами капитал қўйилмалар</b>  | <b>2 025 200</b>                           | <b>298<br/>772</b> | <b>346<br/>848</b> | <b>400<br/>318</b> | <b>457<br/>659</b> | <b>521<br/>603</b> |
|           | <i>шу жумладан:</i>   |  |                    |                    |                    |                    |                    |
| <b>1.</b> | <b>Марказлашган инвестициялар:</b>  | <b>344 309</b>                             | <b>50 767</b>      | <b>61 480</b>      | <b>72 378</b>      | <b>76 106</b>      | <b>83 579</b>      |
| 1.1.      | Бюджет маблағлари   | 136 669                                    | 23 790             | 25 017             | 28 074             | 29 400             | 30 388             |
| 1.2.      | Ўзбекистон Республикаси<br>Тикланиш ва тараққиёт<br>жамғармаси маблағлари (сўмда)             | 17 614                                     | 1 613,2            | 3 100              | 3 450              | 4 514              | 4 937              |
|           | <i>млн. АҚШ долларида</i>   | <i>1 352</i>                               | <i>142*</i>        | <i>258</i>         | <i>271</i>         | <i>335</i>         | <i>345</i>         |
| 1.3.      | Ўзбекистон Республикаси<br>кафолати остидаги хорижий<br>кредитлар (сўмда)                     | 190 027                                    | 25 363             | 33 364             | 40 854             | 42 192             | 48 255             |
|           | <i>млн. АҚШ долларида</i>   | <i>14 738</i>                              | <i>2 240</i>       | <i>2 780</i>       | <i>3 212</i>       | <i>3 129</i>       | <i>3 376</i>       |
| <b>2.</b> | <b>Марказлашмаган<br/>инвестициялар:</b>  | <b>1 680 891</b>                           | <b>248<br/>006</b> | <b>285<br/>368</b> | <b>327<br/>940</b> | <b>381<br/>553</b> | <b>438<br/>024</b> |
| 2.1.      | Корхона маблағлари, шу<br>жумладан, корхоналарнинг ўз<br>ихтиёрида қолдириладиган<br>солиқлар | 478 234                                    | 69 433             | 76 926             | 92 465             | 110<br>384         | 129<br>026         |
| 2.2.      | Тижорат банклари кредитлари<br>ва бошқа қарз маблағлари                                       | 338 864                                    | 49 606             | 53 696             | 64 861             | 79 242             | 91 458             |
| 2.3.      | Тўғридан-тўғри хорижий<br>инвестициялар ва кредитлар<br>(сўмда)                               | 714 278                                    | 107 621            | 130<br>186         | 141<br>024         | 157<br>094         | 178<br>353         |
|           | <i>млн. АҚШ долларида</i>   | <i>55 572</i>                              | <i>9 506</i>       | <i>10 849</i>      | <i>11 087</i>      | <i>11 651</i>      | <i>12 479</i>      |
| 2.4.      | Аҳоли маблағлари  | 149 515                                    | 21 346             | 24 560             | 29 590             | 34 833             | 39 187             |

\* Бундан ташқари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 300 млн. долларга тенг маблағлари «Олмалиқ ҚМК» АЖнинг устав жамғармасига лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда ҳар йилги тасдиқланадиган тармоқлар ва ҳудудларнинг ривожланиш концепциялари асосида аниқлаштирилиши ва янгиланиши мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки 2022-2026 йилларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари кўрсаткичлари жами капитал қўйилмалардаги салмоғи 2 025 200 млрд сўмни ташкил қилади. Шундан 2022 йилда 298772 млн.сўмни, 2023 йилда 346 848 млн.сўмни, 2024 йилда 400 318 млн.сўмни, 2025 йили 457659 млн.сўмни ва 2026 йили 521 603млн.сўмни ташкил қилади.

## 2-жадвал

## Келажақда ишга тушириладиган йирик ишлаб чиқариш объектлари ва лойиҳа номлари

| Т/р  | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи   | Туман ва шаҳарлар номи млн.дол | Ишга тушириш муддати (ой) | Лойиҳа қуввати  | Инвестициялар ҳажми |                   | Яратиладиган иш ўрни |
|------|---|--------------------------------|---------------------------|---|---------------------|-------------------|----------------------|
|      |   |                                |                           |   | Жами                | шундан 2022 йилда |                      |
|      | Жами  |                                |                           |   | 7 650,1             | 2 964,1           | 43 207               |
|      | <i>шу жумладан:</i>   |                                |                           |   |                     |                   |                      |
| 1    | «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси   |                                |                           |   | 216,3               | 102,0             | 1 070                |
|      | <i>янги қурилиш</i>   |                                |                           |   | 216,3               | 102,0             | 1 070                |
| 1.1  | «LT Textile International» МЧЖ ХҚда пахта-тўқимачилик ва ип-газлама ишлаб чиқаришни ташкил этиш     | Қарши тумани                   | март                      | 10 млн. м <sup>2</sup> ип-газлама   | 115,0               | 30,0              | 100                  |
| 1.2. | «Bunyodkor» МЧЖда тўқимачилик комплексини ташкил этиш   | Косон тумани                   | декабрь                   | 2,0 млн. м <sup>2</sup> газлама, 1,6 минг т тўқимачилик мато, 1,0 минг т момиқ сочиқлар   | 33,4                | 10,4              | 150                  |
| 1.3. | «Denov Textile» МЧЖда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш («Shashmohkashob» МЧЖ) | Денов тумани                   | декабрь                   | 5,0 млн. п. м ип-газлама, 1,5 минг т тўқимачилик мато                                     | 9,3                 | 6,5               | 150                  |
| 1.4. | «Рахтакор Текс» МЧЖ ҚҚда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш                                   | Пахтакор тумани                | ноябрь                    | 1,0 минг т мато   | 2,0                 | 2,0               | 70                   |
| 1.5. | «Surxon Kombinat» МЧЖда тўқимачилик комплексини ташкил этиш   | Қумқўрғон тумани               | июль                      | 3,0 минг т тўқимачилик мато, 1,0 млн дона сочиқ   | 5,1                 | 4,6               | 200                  |
| 1.6. | «Асака текстиль» МЧЖда ишлаб чиқаришни кенгайтириш  | Асака шаҳри                    | ноябрь                    | 10,0 минг т ип-калава   | 12,5                | 11,5              | 200                  |
| 1.7. | «Fergana Global Textile» МЧЖда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш                               | Қўштепа тумани                 | декабрь                   | 17,0 млн. п. м ип-газлама, 20,0 минг т тўқимачилик мато, 9,0 млн. дона тайёр маҳсулотлари | 39,0                | 37,0              | 200                  |
| 2    | «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси   |                                |                           |   | 30,7                | 14,5              | 826                  |
|      | <i>янги қурилиш</i>   |                                |                           |   | 30,7                | 14,5              | 826                  |



Жумладан марказлашган инвестициялар таркибига умумий сумма 344 309 млн. сўм ажратилган бўлса, шундан бюджет маблағлари беш йил давомида 136668 млн. сўмни, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари 17 614млн.сўмни, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар 190 027 млн. сўмни ташкил қилади. АҚШ долларида эса 14 738 млн. доллардан иборат бўлади.

Марказлаштирилмаган инвестицияларга 1 680 897 млрд сўм ажратиш режалаштирилган. Шундан корхона маблағларига 478 234млн.сум, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағларига 338 864 млн.сўм, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларга 714 278 млн.сўм, аҳоли маблағларига 149 515 млн.сўм йўналтирилган. АҚШ долларида эса 55 572 млн. доллардан иборат бўлади.

Бундан ташқари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 300 млн. долларга тенг маблағлари «Олмалиқ ҚМК» АЖнинг устав жамғармасига лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда ҳар йилги тасдиқланадиган тармоқлар ва ҳудудларнинг ривожланиш концепциялари асосида аниқлаштирилиши ва янгиланиши мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкини «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига 2022 йилда жами инвестициялар хажми 216,3млн.сўм йўналтирилган бўлиб, 1070та иш ўринлари яратилиши лойиҳалаштирилган.

Шундан Қарши туманида янги қурилган «LT Textile International» МЧЖ ХҚда пахта-тўқимачилик ва ип-газлама ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш борасида ишлар йўлга қуйилган. Бунда келгуси беш йил давомида бу корхонага ажратилган жами инвестициялар хажми 115.0 млн. долларни ташкил қилиб, лойиҳа қуввати 10 млн. м2 ип-газлама ишлаб чиқариш лойиҳалаштирилган. 2022 йилда бу корхонага 30,0млн.сўм инвестиция ажратилган ва 100 киши иш билан таъминланган.

3-жадвал

**Инвестиция фондлари маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштиришнинг SWOT-таҳлили<sup>103</sup>**

| <b>Кучли томонлари (Strongness)</b>   | <b>Кучсиз томонлари (Weakness)</b>  |
|---|---|
| –маблағларнинг айтмаслиги;<br>–барча лойиҳаларни бир пайтда молиялаштириш имконияти;<br>–давлат ва компаниялар ўртасида хавф хатарнинг тақсимланиши;<br>–давлат ва компаниялар ўртасида фойданинг адолатли тақсимланиши;<br>–хусусий секторда аҳоли ва давлат маблағларининг жамланиши ва манфаатларнинг бирлашиши; | –ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ тарзда давлат маблағлари ажратмалари табақалашган ҳолда йўналтирилишни белгиловчи мезоннинг мавжудэмаслиги;<br>–маълум бир лойиҳага давлат ва хусусий сектор маблағлари йўналтириш нисбатининг ҳуқуқий асослари мавжуд эмаслиги;<br>–танловга берилган лойиҳаларни танлаш муддатларининг белгиланмаганлиги;<br>–лоийҳаларни баҳолашда субъектив кўрсаткичларнинг инобатга олиними;<br>–давлат маблағларини инвестиция фондларига йўналтиришда ортиқча ҳужжатларни талаб этиш ҳолатлари; |
| <b>Имкониятлари (Opportunity)</b>   | <b>Таъсирлар (Threats)</b>  |
| –давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги доирасида лойиҳаларни молиялаштириш воситаларини юзага келиши;<br>–ҳудудий инвестиция фондларини шакллантиришга замин яратилиши  | –олинган молиявий мажбуриятларни бажарилмаслигига таъсирлар;<br>– ўз вақтида молиялаштирилмаслигига таъсирлар;<br>– белгиланган меъёрлар асосида лойиҳаларни танлаб олишга бўлган таъсирлар   |

<sup>103</sup> Султонбоева М. Б. "Иқтисодий ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 6, ноябр-декабрь

Кўштепа туманида ҳам «Fergana Global Textile» МЧЖда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилган. Корхонага ажратилган жами инвестициялар хажми 39,0 млн.долларни ташкил қилиб, лойиҳа қуввати 17,0 млн. п.м ип-газлама, 20,0 минг тонна тўқимачилик мато, 9,0 млн. дона тайёр маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалаштирилган. Шундан 2022 йилда ушбу корхонага 37.0 млн.сўм инвестиция ажратилган бўлиб 200 киши иш билан таъминланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестиция фондларини шакллантиришда унга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш зарур. Бу борада эса, инвестиция фондларининг шаклланишида ҳар томонлама омилларни ўзида қамраб олган таҳлилни амалга ошириш муҳимдир.

Биз ушбу фаолиятни SWOT таҳлили орқали янада аниқроқ кўришимиз мумкин (3-жадвал).

Бу эса ўз навбатида, инвестиция фондларининг ташкил этилиши назарда тутувчи фаолиятни ривожлантиришни билдиради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда амалга ошириладиган инвестиция фаолиятини самарали олиб боришда инвестиция фаолиятининг муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш лозим.

Жумладан, инвестицияларни жалб этиш механизмларини шакллантириш ва уларни тадрижий тарзда такомиллаштириб бориш, маҳаллий инвестициявий фаолликни оширишда инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни доимий ривожлантириб бориш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Инвестиция фондларини ташкил этишда куйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

- ҳудудий жамғарма фондларни шакллантиришда ҳуқуқий меъёрий асосларини яратиш;
- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ тарзда давлат маблағлари ажратмалари табақалашган ҳолда йўналтирилишни белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиб жорий этиш;

- маълум бир лойиҳага давлат ва хусусий сектор маблағлари йўналтириш нисбатининг ҳуқуқий асосларини амалиётга жорий қилиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Республиканинг саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига юқори технологияларни кенг жорий этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш орқали ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, экспортни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, шунингдек, инвестицияларни тизимли режалаштириш ва инвестиция лойиҳаларини самарали бошқариш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланган.

### **Адабиётлар/Literatura/Reference:**

Алматова Д.С. (2013) *Тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари. Монография.* –Т.: «Ношир»,194б.

Бланк И.А. (2001) «*Инвестиционный менеджмент*» (Издательство: «Эльга Ника-Центр»),-С. 448) китобидаги таснифга асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ғозибеков Д.Ф., Қоралиев Т.М. (1993) *Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш.*-Тошкент: матбаачи 6-б

Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Рузибаева Н.Х. ва бошқалар (2020); *Инвестиция. Дарслик / - Т.: "Iqtisod-Moliya", – 480 б.*

Каримов Н.Ф. (2007) *Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари: монография.* – Т.: —Fan va texnologiya, 240 б.

Қарор (2021) *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев. "Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида" ги ПҚ-72-сонли қарори. Тошкент 2021 йил 30 декабрь.*

Қонун (1998) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги 719-сонли «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни, 2-модда.

Мустафақулов Ш.И. (2017) “Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация иши автореферати. Тошкент.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”. ПФ-60-сонли фармони. Тошкент. 2022 йил 28 январь.

Хайдаров Н.Х. (2011) Тўғридан-тўғри инвестициялар имкониятлари “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь.